



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲАҚИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 24 июн № 25(8467)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Асрлар давомида халқимизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу умуминсоний қадриятларни намоён этиб келаётган Қурбон ҳайити жонажон Ватанимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва шукроналик фазилатларини янада мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Ушбу улғу айёмнинг маънавий ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда уни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 28 июнь – чоршанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, юртимизда 2023 йил 28 июнь кунини Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрами-

ни муносиб савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони билан иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун 2023 йилнинг 29-30 июнь кунлари, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 1 июль кунини қўшимча дам олиш кунини сифатида белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйи-

ча қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.


4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртодошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўтабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ



Муҳим ахборотлар

Жорий йилнинг 20 июнида Президентимизнинг “Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Президентимиз “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга имзо чекди.

“Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, болалар 7 ёшга тўлганида мактабга қабул қилинади. Жорий йил 2016 йил 1 январдан 31 декабргача туғилган болалар биринчи синф ўқувчиси бўлади.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, 2023-2024 ўқув йилида республикамиз бўйича 730 мингдан ортиқ бола 1-синфга қабул қилиниши режалаштирилган.


Публицистик ўйлар

БОР БЎЛГИН, УЙҒОТГУВЧИ СЎЗ!

– Мен журналистларга осон тутмайман, – дейди қадрдонларимиздан бири. –Шунча ахборот воситалари орасида муштарийга ўз сўзини айтиб, ҳазм қилдира олиш анчайин мушкул иш. Ҳар бир сўзни ўрнига қўйиб ёзишнинг ўзи бўларканми?! Бунинг устига, айниқса, танқидий чиқишларига ўқувчи, тегишли ташкилот олдида жавоб бериши ҳам керак. Касбнинг масъулияти ҳам шунда бўлса керак-да.

– Мен газеталарга унчаям ишонавермайман, – дейди яна бири. – Улар олди-қочди гапларни кўп ёзишади. Журналистлар оёғимиз остидаги камчиликларни кўриб-кўрмасликка олишади. Арзимаган муваффақиятни кўпиртиришни эса яхши билишади. Энг ёмони, охириги пайтларда телевидениенинг қайси каналини очманг, енгил-елпи, ҳайбарақаллачи, тўпоричасига айтганда, қимор ўйинларига дуч келасиз. Уларни назорат қиладиганлар қолмади шекилли.

Буни кўп фикрлилик, дейдилар. Ҳар ким ўз дунёқароши, савияси даражасида фикрлайди. Юқоридаги фикрларга қўшилмасликнинг иложи ҳам йўқ. Иккиси ҳам ўз йўлида ҳақ. Бу энди, журналист деган номни зиммасида кўтариб юрган касб эгасининг жамиятдаги ўрнини ҳис қилиши, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, сўз қудратини оддий ўтин ёришга сарфламасликнинг моҳиятини нечоғли англашига



Газета “Полиграф-Пресс” МЧЖ мутахассис ва ишчиларининг меҳнати билан чоп этилади. Суратда: оператор Муртозохон Исроилов (унда) чоп этувчилар Ҳаётжон Асқаров ва Абдувоҳид Мирзаулуговлар билан.

боғлиқ. Зеро, уйғотувчи сўзи орқали тараққиётга ижобий туртки бериш ҳар қандай оммавий ахборот воситасининг бурчидир. Хўш, матбуот бозорида ўз ўрнига эга бўлган “Истиқбол йўли” бу бурчини қандай адо этмоқда?

Газета чиқа бошлаганига бу йил роса саксон йил бўлибди. Шунча йиллик таҳламларини кузатиб, у ҳақиқатан ҳам сўзи ва юзи орқали туманнинг тирик тарихи бўлиб қолганига ишонч ҳосил қиласиз. Не-не устозларнинг кўз нури, қалб кўри унинг қатларида қолган. Қисқа қилиб айтганда, қуроли сўз, қалқони ҳақиқат, мақсади эзгулик бўлган газета даврлар силсиласида ҳар қандай тўфонларга, қуюнларга бардош берди, эгилса-да, синмади. Ҳақ сўзи исботини керак бўлса, энг олий

даргоҳларда ҳимоя қила олди. Фидойи ҳамкасбимиз Муталибжон Каримов айтганларидек, ижодий жамоа тутаб эмас, ёниб яшагга интилди. Ва бу йўлда маълум эътирофларга сазовор бўлди: хозирги ва собиқ ходимларимиз орасида эл ишончини қозониб, мамлакатимиз Олий органи депутатлигига сайланганлар, давлат мукофотига лойиқ кўрилганлар, халқаро, республика, вилоят миқёсидаги танловларда энг юқори натижаларга эришганларнинг борлиги фикримизга далилдир. “Истиқбол йўли”нинг бу эътирофиди муассиснинг ўз газетасига ҳамिशалик эътибори, бизга ёзиб турадиган юзлаб фаолларимизнинг ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш ёқимлидир.

Давоми 3-бетда

Маърифий тадбирлар

АЁЛИ БЕДОР ЮРТНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ БАРДАВОМДИР

Шу кунларда барча жойларда хотин-қизлар ўртасида маданий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Улар аёлининг саломатлигини мустаҳкамлаш, кайфиятини кўтариш, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилмоқда. Ўтган жума куни туманимизда ҳам ана шундай тадбирлар хотин-қизларнинг фаол иштирокида бўлиб ўтди.



Эрта тонгдан туман ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан "Оқида аёллар" ҳаракати, фаол аёллар, кенг жамоатчилик иштирокида спортнинг югуриш тури бўйича марафон ўтказилди. Унда иштирок этган 200 га яқин хотин-қизлар Бахмал кўчаси бўйлаб уч километрга яқин масофани босиб ўтдилар.

"Қийқи"даги маданият марказида ўтказилган машварат "Оила – муқаддас даргоҳ" мавзусига бағишланди. Туманининг гапга-сўзга етар онахонлари, маҳаллаларнинг фаол аёллари, туман ва маҳаллалардаги "Оқида аёллар" ҳаракати аъзолари, имомлар, намунали ҳамда ажрим оstonасида турган оилалар вакиллари иштирок этган тадбир аввалида туман ҳокими Илёмбек Новиков сектор раҳбарлари иштирокида "Қизиларик", "Халқобод", "Истиқбол",

"Деҳқонобод", "Солижонобод", "Ватан" фуқаролар йиғинларида узок йиллардан буён аҳилликда истиқомат қилиб, ибратли фарзандлар тарбиялаган, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган Маърупов, Охунов, Абдурахмонов, Усмонов, Раҳмонов, Омоновлар оилалари бошликларига туман ҳокимлигининг Ташаккурномаси ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларини тақдим этдилар.

Шундан сўнг оилавий ажримларнинг олдини олиш, инқирозли оилалар билан ишлаш, оила кўрғони муқаддаслигини сақлаш учун нималарга эътибор бериш кенгаши раҳбари ҳамда психолог Санжарбек Йўлдошев, вилоят "Оқида аёллар" ҳаракати аъзоси Хадичахон Каримова, туман ҳаракати аъзоси Дилдорахон Ваҳобова, ҳоким маслаҳатчиси Муҳаббатхон

Мўйдиновлар илмий тадқиқотлар ва ҳаётий кузатишлар асосидаги тажрибаларидан келиб чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб, оилалар барқарорлигига эришиш жамият барқарорлигининг асоси эканлигига эътибор қаратдилар. Туман ҳокимининг уринбосари Марямхон Йўлдошева машваратни яқунлар экан, бу борада мутасаддилар олдида турган вазифаларни ўқтирди.

"Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ўқув марказида Президент қарори асосида эҳтиёжманд аёлларнинг ўзини ўзи банд қилиши борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиди, тажрибалар ўртоқлашди.

Шу куни кечга томон "Истиқлол" маданият саройида уюштирилган маданий тадбирда аёллар куй-қўшиқлар тинглаб, хордиқ чиқардилар. Улар аёли эъзозланаётган юрда истиқомат қилаётганларидан, ўзларига кўрсатилмаётган эътибордан мамнуниятларини рақслари орқали ифодадилар. "Нима учун шундай юрда яшаётганимиздан фахрланмайлик!, дейишдаи даврдан қайтаётган аёллар кўнгиллари тоғдек кўтарилиб. Бундай тадбирлардан сўнг янада кўтаринчилик билан меҳнат қилинг, имкониятларни ишга солгинг келади".

Ўз мухбиримиз.

Жараён



ОЛТИН ВА КУМУШ МЕДАЛЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Ҳокимликнинг мажлислар залида умумтаълим мактабларининг иқтидорли битирувчиларига олтин ва кумуш медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Яқунланган ўқув йилида туман бўйича умумтаълим мактабларини жами 2200 нафар ўқувчи битирган бўлса, шундан 24 нафари олтин медалга ва 5 нафари кумуш медалга муносиб, деб топилди.

Тадбирда тумандаги сектор раҳбарлари, мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг масъуллари ҳамда битирувчи синф ўқувчиларнинг ота-оналари, устозлари иштирок эттишди.

Туман ҳокими Илёмбек Новиков тадбирда сўз олиб, мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, улар-

ни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганини эътироф этди.

Битирувчиларга аёло билими, намунали хулқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун берилган олтин ва кумуш медаллар уларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, йигит-қизлар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, иқтидорли ўқувчилар билимини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади ҳамда ўқувчиларга олтин ва кумуш медаллари сектор раҳбарлари иштирокида тантанали равишда топширди.

Матн ва суратлар муаллифи: Ёрқиной ҚОСИМОВА.

Хушхабар

"Беш ташаббус олимпиадаси" шиори остида ўтказилган мусобақаларнинг Республика босқичларида қўштепалик ёшлар ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Жумладан, "Қийқи" маҳалласи ёшлари спортнинг "Стреетбол", "Карнайчи" маҳалласи ёшлари эса енгил атлетика бўйича биринчи ўринларни эгаллаб, олтин медални қўлга киритдилар.

ҚЎШТЕПАЛИК ЁШЛАР ҒАЛАБАСИ



Шунингдек, қоракалтаклик ёшлар пара енгил атлетикадан, хумдонликлар эса пара шахматдан фахрли биринчи ўринларни ишғол қилиб, туманимизга олтин медал билан қайтишди. "Халқобод" маҳалласи ёшлари ҳам мусобақаларда фаол иштирок этишиб, енгил атлетика тури бўйича учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлдилар.

Юқоридаги натижалар ту-

манимиздаги ёшлар ўртасида "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақаларининг кейинги мавсумида қатнашиш иштиёқини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Суратда: "Беш ташаббус олимпиадаси" республика босқичи ғолиблари.

Матн ва сурат муаллифи: Ёрқиной ҚОСИМОВА.

Умуммиллий ҳаракатида фаол қатнашайлик: семинар

ҲАР КИМ ЎЗ САЛОМАТЛИГИ ПОСБОНИДИР

Инсон саломатлигига эътибор унинг ўзидан бошланади, деган гап бор. Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқулдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 апрелдаги қарори асосида 2023 -2025 йилларга мўлжалланган "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш дастури қабул қилинди.

Дастурда учта асосий энг устувор вазифалар танлаб олинган бўлиб, булар – тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи, барча скрининг дастурлари профилактик кўриги, тиббий бригадалар ва патронаж хизматини ривожлантириш орқали соғлом оилани шакллантиришга қаратилган. Шу мақсаддаги вазифаларни амалга ошириш учун Маҳалла, Хотин-қизлар кўмитаси, Мактабгача таълим, Мактаб, Ички ишлар, Ёшлар агентлиги ва спорт вазирликлари билан ҳамкорлик ўрнатилиши кўрсатилган.

Ҳар бир маҳаллада ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳлари "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умуммиллий ҳаракатини йўлга қўяди. Худудларда "Саломатлик мактаблари", "Саломатлик бурчаклари" ташкил этилади ва фаолият юритади. Тарғибот этувчи банерлар ташкил этилади. Ҳафтанинг шанба кунлари "Саломатлик куни" деб белгиланиб, маҳалла спорт майдонларида, гузарларда спорт тадбирлари ўтказилади. Тиббий бригадалар ҳар бир хонадонда патронаж ва тарғибот ишлари ўтказиладилар. Қилинган ишлар ишчи гуруҳ томонидан баҳолашиб, ўзаро ахборот алмашинади.

Туманимизда ҳам бу борадаги ишлар фаол бошланди. Ишчи гуруҳи шакллантирилиб, "Йўл харитаси" тузилди. Унга кўра, ҳамкор ташкилотлар вазифалари белгилаб олинди. "Қийқи" маҳалла йиғинида "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умуммиллий ҳаракати дастури доирасида ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари иштирокида кенгайтирилган семинар ташкил этилди. Семинарни туман ҳокими Илёмбек Новиков очиб



берди ва ҳамкор ташкилотларни ўз олдларига қўйилган вазифаларни ситқидилдан бажаришга чақирди.

Семинар иштирокчилари соғлом турмуш тарзига оид гигиена ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасини кузатдилар. Сингапур тажрибаси асосида бўй ва оғирликни аниқлаб, одамнинг саломатлиги қайси гуруҳга мансублигини билиш жадвали намойиш этилди. Маҳаллада ташкил этилган "Саломатлик мактаби" ва "Саломатлик бурчаги" фаолияти билан таништирилди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари 36-мактабгача таълим ташкилотига ташриф буюришди. Болажонларнинг гимнастика машғулотлари кузатилди. Бу ерда ташкил қилинган "Соғломжонлар тўғраги" фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ташкил этилган қўл ювиш қоидаларини, болажонларнинг меваларга берган таърифларини тингладилар. Болалар учун уч маҳал тайёрланган иссиқ овқат менюлари билан танишиб, болаларни соғлом овқатлантириш юзасидан маслаҳатлашиб олдилар.

Маҳалладаги 11-мактабда ташкил этилган стол тенниси, баскетбол,

шашка, шахмат машғулотларини кузатдилар. Мактабдаги "Мохир кўллар", "Ораста қизлар" тўғраги фаолиятини ўргандилар. Соғлом овқатланишда фойдали ва зарарли маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Болалар томонидан тайёрланган каратэ ва бадий чиқишларни кўрдилар.

Пировардида маданият марказида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ойбек Муродов ва камина соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракати мақсад-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар бердик. Туман ҳокими уринбосари Марямхон Йўлдошева шу тартибдаги семинарлар тумандаги барча маҳаллаларда ҳамкорлик асосида ташкил этилиши зарурлигини, аҳолини соғлом овқатланиш ва турмуш тарзига ўргатиш асосида соғлом авлодни шакллантириш, оилалар фаровонлигига эришиш давлат аҳамиятига молик иш эканлигини таъкидлади.

Алижон СИДДИҚОВ, туман тиббиёт бирлашмаси аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш бўлими мудури.

“Истиқбол йўли”ни ўқиб...

ҚЎШТЕПАДАН ТАРАЛГАН НУР

Манбааларда айтилишича, барча юртларга осмондан нур ёғилса, Бухородан эса осмонга қараб нур таралади. Шу боис ҳам Бухорои Шариф, деяъзозланади. Мен Бухородан ҳам қадимийроқ Ромитан туманиданман.



Муштарий фикр билдиради

“Истиқбол йўли”нинг кўп йиллик муштарийларидан бириман. Унга ёзиб туришга, кези келганда, янада ўқишли қилиш учун таклифлар беришга вақт топаман. Ҳар гал газетани кўлимга олганимда, фидойи журналист, раҳматли Муталибжон ака Каримов кўз олдимга келади. У киши таҳлилий ва танқидий мақолаларни шу қадар асослаб ёзардиларки, иллат бартираф этилмай қолмасди.

Ҳассос ҳамкасбим, дарёдил журналист Хадичахон Каримованинг ҳимматлари ила Фарғона вилояти Қўштепа туманида чиқаётган “Истиқбол йўли” газетасининг ҳар янги сонини мириқиб ўқийман. Ушбу нашр Бухоромизга Фарғона, Қўштепанинг нуруни, овозасини олиб келади. Ҳар ҳафта ана шу нур қалбларимизни алангалатиб туради. Ҳамкасбларимизнинг машаққатли, оҳорли меҳнат маҳсулларидан, бутун туман аҳли эришаётганларидан огоҳ бўлаемиз.

Мана иккинчи йилдирки, “Истиқбол йўли” газетасини ўқиб, мақолалардан журналистларнинг уйғоқ қалби ҳароратини, инжа туйғуларини, безовта юрак уришларини ҳис этамиз. Улардан андоза оламиз. Уч мингдан ортиқ газетхонларидан бирига айланганимизга шукрона айтаемиз.

Газетанинг дизайни, безатилиши, суратлар сифатли, чиройли. Ҳар бир сонда албатта бир муҳим мавзунинг кўтарилиши шохиди бўлаемиз. Демак, ижодкорлар уйғоқ, давр билан ҳамнафас, воқеа, ҳодиса, айрим ноқис ҳолатларни теран кузатиб боради. Ўзининг сўзи, ху-

лосаларига эга бўлган ҳамкасбларимиз ўқувчисини ҳам мурасасизликка, уйғоқликка ундайди.

Бундай сара, ўқишли ёзишликни кўпроқ Хадичахон Каримова мақолаларида кўзатаман. Бу беназир аёл шу қадар талабчан, ҳушёр, салобат ва ақл соҳибасики, бирор муҳим жиҳатни, у хоҳ ижойи бўлсин, хоҳ қалдирмайдиган. Қалами ила ҳаммани огоҳликка чорлаб чарчамайди.

Ҳар баҳорда келади деган Деҳқон қуши бор. Уни кўрмаганман, лекин овозини эшитаман. Туни билан нола қилиб сайраб, деҳқонларни тезроқ экин-тикин ишларини бажармоққа чорлайди... Хадичахонимни журналистиканинг Деҳқон қушига ўхшатаман. У кишининг “Истиқбол йўли”да ёритилган “Офтоб”га хиёнат”, “Шаръий никоҳни ким ўқийди?”, “Ушоқнинг ҳам уволи бор, боланинг-чи”, “Маърифатпарвар аёл нималарга қодир?”, “Боғи” бор, “боғбони” йўқлар”, “Эркаксиз уй”, “Суперконтракт: кимга фойда-ю кимга зарар?”, “Бетарафлар кимлар?” ва яна ўнлаб муаммоли, дардли

мақолаларини ўқиб, ҳайратга тушганман.

Утган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ҳамкасбимга берилган “Меҳнат шўхрати” ордени ўзимга берилгандек яйраганман. Демак, ўқувчи ҳам, юқоридегилар ҳам чинакам меҳнат қиладиган киши қадрини билади.

“Истиқбол йўли”да “Газетани 100 йилдан сўнг ҳам кўзга суртиб ўқишади” сарлавҳали мақолани ўқиб, юрагим орзиқиб кетди. Балки қатор сабаблар боис газеталар бугун камроқ ўқиладиган бўлиши мумкин. Лекин, шундай кунлар келадики, нашрлар кўлма-кўл бўлиб кетади. Айниқса, “Истиқбол йўли” сингари тафтли газеталар ҳар қандай шароитда ҳам ўқувчисини йўқотмайди. Нур таратиб тураверади.

**Махфират АТОЕВА,
Бухоро вилояти
Ромитан туманида
чиқадиған
“Ромитаннома” газета-
си бош муҳаррири.**

БИР МАКТАБКИ...

Мен “Истиқбол йўли”ни журналистика, бадиий ижод мактабини яратган даргоҳ деб биламан. Унинг мактабини ўтаганлар асло кам бўлмаганларининг гувоҳимиз. Билишимизча, “Тошлоқ тонги”, “Марказий Фарғона”, “Марғилон ҳақиқати” газеталари бош муҳаррирлари Муқимжон Нурматов, Азимжон Худойкулов, Абдубанноб Мансуровлар ҳам журналистиканинг илк сабоғини шу мактабда ўтаганлар. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, эшитишимизча, яқинда филология фанлари доктори илмий даражасини ҳимоя қилибди, Дилнавоз Қўлдошева ҳам шу даргоҳда “пишган”.

“Ғунча” адабий тўғарагининг илк қалдирғочларидан бири, устоз Тоҳиржон Ўринов, Инобат Ризаева, кейинги авлод вакиллари бўлган Мунира Қўқонова, Фаарида Юнусовалар ижод намуналари менман деган шоирларниқидан қолишмайди. “Ғунча”нинг иккинчи вакили Нилуфар Эргашеванинг ҳам Зулфия номидаги давлат му-

кофотига муносиб кўрилгани барчамизни фахрлантирди. Бунда, албатта, адабий тўғарак раҳбари Тоҳир Ўриновнинг хизматлари борлигини инкор этиб бўларканми?! Айтмоқчиманки, “Истиқбол йўли” мактабини ўтаганлар фақат униб-ўсдилар, кам бўлмадилар.

Мен “Истиқбол йўли” жамоасини кўп сонли газетхонлар номидан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклаб, бир таклифни илгари сурмоқчийдим: газета саҳифасида “Сизга ўхшагим келади” рўкни очилса. Шу рўкни остида туман ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар, устозлар, ижодкорлар, илғор ёшлар, барча соҳаларнинг фидойилари, ибратли оила соҳибу соҳибалари билан суҳбатлар уюштирилса. Бу, барча соҳалардаги илғор тажрибаларни оммалаштиришда қўл келади, деб ўйлайман.

**Салоҳиддин
МАДУМАРОВ,
туман маданият ва
туризм бўлими ходими.**

Публицистик ўйлар

Такрор

БОР БЎЛГИН, УЙҒОТГУВЧИ СЎЗ!

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Энди юқорида келтирганимиз— иккинчи фикрга келсак. Тажриба нуқтаи назаридан баъзан газеталарни таҳлил қилиш масъулияти юклатиларди. Уларни кузатиб, ҳатто ҳокимликлар газеталарида ҳам мазмун-мундарижага эътиборсиз муносабатни кўриб, ачинасан. Дизайни туппа-тузук, аммо сийрати нураган нашрлар борлигига гувоҳ бўлиб, бир “ариқда оқаётган” ингга ҳайфинг келади. Уларда бирорта таҳлилий, танқидий мақолани учратмайсиз. Журналист воқеа-ҳодисалар ортидан чопиб юрувчи оддий дастёр эмас, балки тараққиётга ҳисса қўшувчи шахс эканини қачон англаб етамиз, дегинг келади. Ҳолат эса, юқорида келтирилганидек, одамларда журналистга ишончсизлик кайфиятини уйғотмай қолмаяпти.

Оммавий воситалар орасида сафсата сотиш учун дунёга келганлари ҳам, афсуски, йўқ эмас. Чўқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, кейинги пайтларда ўқувчи, тингловчи, томошабин ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тарбияга умуман алоқаси йўқ, мафкуравий қарашларни сийқалаштирадиган оммавий воситаларга ўч бўлиб бораётгани

аён ҳақиқатдир. Бунда, албатта, шов-шувларни “пуллаш”ни тирикчилик манбаига айлантириб олган воситаларнинг алоҳида “ҳисса”си борлиги ачинарли. Кундош доғида эрини ўлдирган аёл, уйда фоҳишахона очиб, қизини “пуллаётган” онани “тарғиб” қиладиган тармоқлар, салқин ичимликлар ва ҳоказолар савдосини юриштириш учун бир зумда машинали бўладиган ва бойиб кетадиганлар сафини кенгайтираётган қатор-қатор телешоулар ана шу ҳолатларнинг оддий кўринишларига айланиб қолди. Оммавий ахборот воситаси қаторида эътироф этиладиган ижтимоий тармоқлардаги ёлғон-яшиқлар, ахлоқсизликлар, ҳақоратлар, асосланмаган танқидлар... алҳазар, дейсиз баъзан.

Биз одамларни қайси томонга етакляемиз? Бир сўз билан айтганда, энг оммавий восита ҳисобланган Ўзбекистон телевидениесининг хусусий каналлари енгил-елпи шоулари, зўравонлик, қасоскорлик, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи сериаллари орқали маънавийтимиз, мафкурамиз тараққиётига эмас, балки таназзул-лига хизмат қиладигандай. Бундай оғриқларга бугун малҳам изланмаса, ўзини тадбиркор билаётган сафсата-боз “ижодкор”ларнинг бу қилмишлар

ри эртага жуда қимматга тушиши, айрим одамларни тараққиёт йўлидан, маънавиятга интилишдан чалғитиши ҳеч гап эмас. Маънавийтимиз, маърифатимиз йўлида ҳаловатидан кечган, матбуотнинг тамал тошини қўйган, ҳақни ёзиб, осилган, отилган аждодларимиз руҳини уялтирмаслик учун оммавий ахборот воситаси кучини Ватан тараққиёти, юрт фаровонлиги, халқ розилиги сари йўналтирмоғимиз жуда зарурдир.

Бугун биз барча соҳаларда давом этаётган чуқур ислохотлар самаралари, фидойи замондошларимиз интилишлари, орзу-ўйлари ҳақида жўшиб ёзиш билан бирга, одамлар тилининг учиде турган оғриқларни илғаб олиб, матбуотнинг аччиқ, аммо очик, тирик сўзи орқали малҳам қўйиш йўлларини излашга, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун ҳисса қўшишга сафарбар этилганимизни, буни шахсан Юртбошимиз талаб қиладиганини бир лаҳза бўлса-да, унуттишга ҳақимиз йўқ. Афсусларким, айрим раҳбарлар камчиликларни хаспўшлашга, матбуотга чиқармасликка интиладилар. Тўғри, танқид шоколад эмас, мазза қилиб ялагани. Боз устига, биттагина танқид ўрнига журналист ўнлаб ижобий мақола-

лар ёзиши мумкин. Аммо кўлига қалам тутган журналистнинг халқ ва давлат розилиги йўлида замондошларимизни янги-янги инновацион ғояларни кашф этиш, илғорлар тажрибасини халқ мулкига айлантириш, жамиятни иллатдан халос этиш баробарида одамларни бунёдкорликка чорлашга хизмат қилувчи уйғотувчи сўзига ҳаммиша эҳтиёж бор.

Йирик рус публицисти Николай Добролюбовнинг “Бизга ўз-ўзидан мамнун бўлиб мудроқ бостирадиган ва кўнгилни ёқимли хаёлларга чулғайдиган чирик ва олифта сўзлар керак эмас. Аксинча, қалбда фуқаролик жасоратини жўш урдирадиган, бемикёс ва ўзига хос фаолиятга ундайдиган мусаффо ва мағрур сўзлар керак, деган гаплари таҳликали, глобаллашув жараёнлари шиддат билан давом этаётган, чегара билмас мафкуравий таҳдидлар кучайган бугунги кунга нақадар мос тушяпти.

Тошга ёққан ёмғирдай бетаясир, мудратгувчи, маънавий таназзулга етакловчи эмас, уйғотувчи, мағрур ва ҳақ сўз қуроли бўлган журналистлар, ахборот воситалари сафи кенгаверсин! Элни тараққиётга, эзгу амалларга ундаб турувчи, иллатларни янчиб ташловчи тирик сўзлар бор бўлсин!

**Хадичахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
юшмаси аъзоси.**

**Расулulloх
(с.а.в.)
хадисларидан**



Агар олим киши илми билан Аллоҳнинг розилигини талаб қилса, ундан барча нарса қўрқади. Агар илми ила конларни, яъни мол-дунёни кўпайтиришни хоҳласа, у барча нарсадан қўрқади.

Анас (розияллоху анху)дан Дайлабий ривояти.

Олим, илм ва амал (учови) жаннатдадир. Агар олим билганига амал қилмаса, илм ва амал жаннатда бўлиб, олим дўзахдадир.

Дайлабий ривояти.

Адолат ўзи яхши, лекин бошлиқларда бўлиши ундан-да яхши. Сахийлик ўзи яхши, лекин бойларда бўлиши ундан ҳам аъло. Тақво ўзи яхши, лекин уламоларда бўлиши ундан-да афзал. Сабр ўзи яхши, лекин камбағалларда бўлиши ундан ҳам сара. Тавба ўзи яхши, лекин йигитларда бўлиши ундан ҳам афзал. Ҳаё ўзи яхши, лекин аёлларда бўлиши ундан ҳам аъло.

Умар (розияллоху анху)дан Дайлабий ривояти.

Илм Ислоннинг ҳаёти ва имоннинг устунидир. Ким илмни таълим олса, Аллоҳ унинг ажрини мукамал қилади. Кимки таълим олиб, унга амал қилса, Аллоҳ билмаган нарсасини унга ўргатади.

Абу Шайх ривояти.

Илм хазинадир. Унинг калити савол бериб сўрашдир. Аллоҳ сизларга раҳм қилур, савол беринглар, чунки унда тўрт киши савобга эга бўлади: сўровчи, таълим берувчи, эшитувчи ва уларга муҳаббат қилувчи.

Али (розияллоху анху)дан Абу Нуайм ривояти.

**"2002 ҳадис"дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
"Мунир" нашриёти.
Тошкент—2022 йил.**

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

Оқил чин сўздин ўзгани демас

*Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

**Оқил чин сўздин ўзгани демас,
Аммо барча чинни ҳам демас —
оқил иши эмас.**

А. НАВОИЙ

Сўздан қудратлироқ нарса йўқ. Ўткир далил ва юксак фикрлар сафини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яксон этади, қалъаларни йиқади, у кўзга кўринмас қурол. Сўз бўлмаса, дунё дағал кучлар қўлида қолар эди.

А. ФРАНС

Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир.

Сўз—буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бирлари билан юзқўрмас қилиб юбориш мумкин. Сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Қаердаки сўз тирик экан, у ерда ҳали

иш ҳам ўлмаган.

А. И. ГЕРЦЕН

Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиған оқибатни ўйла...

И. П. ПАВЛОВ

Сўздан ҳалол фойдаланиш керак.

Н. В. ГОГОЛЬ

Сўзловчининг гапириш оҳанги, кўз қарашлари, бутун қиёфасида ҳам нотиклик акс этади, бу—сўз саралашдан кам нарса эмас.

Ф. ЛАРОШФУКО

Зеҳн тили, агар у юракдан чиқса ўз нишонига тегади.

Ж. Ж. РУССО

**"Тафаккур гулшани"дан.
Фафур гулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти.
Тошкент—1989 йил.**

Табаррук кун сўхбатлари

ҚУРБОНЛИК. УНИ КИМЛАР ВА НИМА УЧУН ҚИЛАДИЛАР?

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, тинчлик-омонликда муборак Қурбон Ҳайитига ҳам етиб келяпмиз. Бу айём фазилатлари ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин. Мозийга назар ташласак, Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврларида бир ҳафтага етадиган озик-овқатлари бор саҳобалар қурбонлик сўйиб, қийналганлар ҳолидан хабар олишган. Байрам муносабати билан барча одамлар бир-бирларини табриклаб, гина-адоватларга барҳам берилган.

Ҳозирда миллионлаб мусулмонлар Маккаи мукаррамада муборак ҳаж амалларини бажариш, эл-юрт ҳаққига дуо қилиш билан банд бўлиб турибдилар. Янги Ўзбекистонимизда эса айни пайтда давлатимиз раҳбари юзлаб махбусларга хонадонларига қайтишлари учун авф эълон қилмоқдалар. Аллоҳ давомли қилсин, ҳар йили Рамазон ва Қурбон Ҳайити муносабати билан инсон кадр-қиммати йўлида катта энгилликлар яратилмоқда. Бугун биз мазкур улуғ айёмнинг асоси бўлмиш қурбонлик ҳақида айрим маълумотларни бериб ўтаемиз.

Мўмин бандаларни Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи молиявий ибодатлардан бири бу қурбонликдир. Динимизда бирор жонлиқ сўйиш билан амалга ошириладиган молиявий ибодатлар бир нечта. Мисол учун, Аллоҳ таоло бирор хонадонга улуғ неъмат — фарзанд ато этган бўлса, қўй сўйиб ақиқа қилинади. Никох тўйида Пайғамбаримиз алайҳи ва саллам суннатларига мувофиқ, бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат берилади. Ислоннинг бешинчи рукни бўлган ҳаж ибодатини якунлаб бўлгач, ҳаж қилган киши бирор жонлиқ сўйиб, қурбонлик қилади. Демак, қурбонлик мусулмон киши бажарадиган вожиб амаллардан биридир.


Қурбонликка қўй, эчки, қорамол, ва яна туя сўйиш мумкинлиги айтилади. Қўй ва эчки бир кишидан, биз томонларда одатда қорамол сўйилади, етти киши номидан қурбонлик қилишига шариятимиз томонидан рухсат берилган. Етти киши номидан сўйилган молнинг гўшти чамалаб эмас, балки аниқ ўлчаган ҳолда тенг тақсимланиши лозим. Қурбонликка ушбу

жонлиқларнинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам сўйилиши мумкин, мол икки, қўй ва эчки эса бир ёшга тўлган бўлиши керак.

Қурбонлик учун сўйиладиган ҳайвоннинг сифати ҳақидаги муборак ҳадисга кўра, Расулulloх алайҳи ва салламнинг ўғитларига кўра, тўрт хил жониворни қурбонлик қилиш жоиз эмас: бир кўзи кўрлиги ёки касаллиги, оқсоқлиги аниқ билиниб турган ва илиги йўқ бўлиш даражада қариб қолган ҳайвонлар қурбонликка ярамайди. Бу ҳадиси шарифдан билинар эканки, қурбонликка аталган жонлиқ турли иллатлардан ҳоли бўлмоғи зарур.

Қурбонлик қилиш қоидалари ва одоблари ҳақида кўплаб фикхий китобларимизда батафсил маълумотлар берилган. Қурбони Каримда марҳамат қилинди: "Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон Ҳайити учун) намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг!" ("Кавсар" сураси 2-оят). Тафсир китобларида бу ояти карима қурбонликнинг вожиб эканига далолат қилади, дейилади. Расулulloх алайҳи ва саллам "Қурбонлик қилиш чиройли амаллардандир. У бандани дунёда балолардан ва охиратда офатлардан ҳимоя қилади. Ҳайит намозини ўқиб, қурбонлик сўйган мўминлар менинг умматимдандир", — деганлар. Қурбонлик қилишнинг аввали ҳайит намози адо этилганидан сўнг, охириги вақти эса ҳайитнинг учинчи кунини аср намози вақти киргунчадир.

Қурбонлик қилувчининг жонлиқ сўйиш жойида ҳозир бўлиши мустаҳабдир. Расулulloх алайҳи ва саллам қизлари Фотима розияллоху анхуга: "Бориб қурбонлигинга шохид бўл. Унинг биринчи



томган қони билан баробар сенинг ўтган гуноҳларинг мағфират қилинур", — дедилар. "Эй Аллоҳнинг Расули! Бу бизнинг аҳли байтга хосми ёки мусулмонларга умумийми?" — дедилар Фотима онамиз. Шунда Сарвари коинот: "Йўқ, мусулмонларга умумий", — деб жавоб бердилар (Ҳоким ривояти). Қурбонликни учга бўлиб, бир қисмини муҳтожларга садақа қилиш, яна бир қисмини қўни-қўшни, қариндош ва ёр-биродарларига улашиш, қолган бир қисмини ўзи ва оиласи учун олиб қўйиши мустаҳабдир. Қурбонлик терисини сотиш, қассобга меҳнатининг эвазига бериш мумкин эмас, у фақир кишига садақа қилинади. Қассобга хизмат ҳақи берилади, қурбонлик гўшtidан ҳақ сифатида берилмайди.

Аллоҳ таоло барчамиздан ихлосу муҳаббат билан қиладиган қурбонликларимизни, ибодатларимизни қабул этсин. Қурбон Ҳайити байрамини кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан ўтказишимизни насиб айласин.

**Турсунтойир ЭРБЎТАЕВ,
Қумтепадаги "Мўйи муборак"
мачити имом хатиби.**